

мақсади бўлади. Тарихдан маълумки, ўқиш нутқ фаолияти оғзаки нутқдан сўнг вужудга келган. Шундай бўлсада инсонни комилликка олиб боришда унинг ўрни кун сайин ортиб бормоқда. Чунки оммавий ахборот воситаларини кенг оммага етказишда асосан маълумот ўқиш орқали етказилмоқда. Буларнинг барчасида маълумотлар, бирон-бир илмий ёки бадиий асарни ўқиш орқали қандай натижа беришини муҳим деб ҳисоблаймиз. Яъни ўқиб чиқилган матндаги маълумот инсонга қандай таъсир қилади ва унинг кейинги фаолияти қандай туртки беради каби саволлар биз олимлар, тилшунослар педагоглар олдида турган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Агарда чет тил ўқитиш жараёни билан боғлайдиган бўлсак, таълим олувчиларга тил ўргатишга бўлган қизиқишларини орттиришда биз қандай матн танлашимиз керак ва у аудиторияга ижобий ёки бўлмаса салбий таъсир кўрсатадими, талабалар учун қизиқарли ёки зерикарли бўладими ҳамда асосий хусусиятлардан бири таҳлил учун танланган матн инсон руҳиятига қандай таъсир қилиши ва унинг ижобий ва салбий оқибатлари нималардан иборат, деган савол ҳозирги кунда нафақат чет тил ўқитиш методикасида, балки барча гуманитар соҳаларда ҳали ҳам ўз ечимини топгани йук.

Чет тил машғулотларида турли маданият вакиллари билан мулоқот қилишни ўрганиш, ушбу маданиятга хос урф-одатлар, қадриятлар ва асрлар давомида ёзиб қолдирилган бадиий адабиётни ўрганиш, шу тилни яхши тушунишга олиб келади. Таълим олувчиларда бу

тушунчаларни шакллантириш натижасида уларни халқаро майдонда муваффақиятли фаолият олиб боришларига замин яратади. Албатта биз чет тилни ўрганиш орқали ўзга халқ дини ёки бўлмаса бирон-бир халқнинг салбий томонларини тарғиб қилиш фикридан йироқмиз. Чунки хорижий тилни ўрганиш орқали инсон ўз тилини ҳам мунтазам бойитиб боради, яъни бир тушунча билан боғлиқ ассоциациялар доираси кенгайиб боради. Бундай ҳолатда “ўрганувчи ўқиш” тури, яъни таҳлилга тортилган матн мазмунини тўлақонли идрок қилиш назарда тутилади. Шунингдек, матнни ўқиш жараёнида таълим олувчи икки маданиятни қиёсий тадқиқ этишда асосан маълум бир маданиятнинг турмуш тарзи ва маданиятлараро ўхшаш ва фарқли тарафларни излаш ётади. Бу каби хусусиятларни билмаслик мулоқот жараёнида тушунмовчиликларни келтириб чиқаради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўқиш нутқ фаолият тури чет тил ўқитиш методикасида катта аҳамиятга эга бўлиб, уларни доимо муштаракликда ўргатиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ўрганилаётган тилдаги матнни ўқиш ёки бўлмаса аудио ёзувни тинглаб тушуниш ва уларни идрок этиш натижасида янги матн яратиш (ёзув нутқ фаолияти асосида) жараёнида таълим олувчилар лингвистик ва коммуникатив компетенцияларини ривожлантириш билан бирга, нутқ фаолият турларининг умумтаълими ва ривожлантирувчи таъсирини оширади, яъни инсонни комиллик сари етакловчи омил бўлиб хизмат қилади, десак хато бўлмайди.

Адабиётлар

1. Зимняя И.А. Психологические аспекты обучения говорению на иностранном языке. -М.: «Просвещение», 1985, -С.160.
2. Методика обучения иностранным языкам в средней школе Рогова Г.В., Рабинович Ф.М., Сахарова Т.Х. -М.: «Просвещение», 1991, -С.287.
3. Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. -Ленинград: «Наука», 1974, -С.426.
4. Gemeinsamer europäischer Referenzrahmen für Sprachen: lernen, lehren, beurteilen. -Berlin München: Langenscheidt KG, 2001. - P. 244.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақола нутқ фаолияти турларининг турли фанларда ўрганилишига бағишланган. Муаллиф нутқ фаолияти турларининг кўпгина олимлар томонидан тақлиф этилган тасниф ва тавсифларини ўрганиб чиқади.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена изучению видов речевой деятельности в различных науках. Автор даёт характеристику и классификацию видов речевой деятельности, предложенную большинством учёных.

SUMMARY

The article is devoted to the study of kinds of speech activity as in various fields of sciences. The author gives characteristics and classification of speech activity proposed by the majority of scientists.

КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК МАТЕМАТИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ

Г.Ш.Мамутова - ассистент ўқитувчи

Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: бўлажак математика ўқитувчиси, компетенциявий ёндашув, дидактик ўйинлар.

Ключевые слова: будущий учитель математики, компетентностный подход, дидактические игры.

Key words: future teacher of Mathematics, competence-based approach, didactic games.

Замонавий таълим тизимида компетенциявий ёндашув таълимнинг сифатини таъминлайди. Турли компетенция (коммуникатив; ахборот билан ишлаш; таълим олувчиларнинг шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириши; ижтимоий фаол фуқаролик; умуммаданий; математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш)ларни ўзлаштириш таълим жараёнининг асосий мақсади ва натижаси ҳисобланади. Аслида, таълим сифатини бошқариш, шу жумладан, ўқув жараёнида таълим олиш натижалари сифатида ўзлаштирилиши зарур компетенцияларни аниқлаш билан бошланади. Замонавий таълим соҳасида компетенциявий моделни қўллаш таълим жараёнини ташкил этиш, уни бошқариш, ўқитувчилар фаолиятида ўқув жараёнининг натижаларига кўра билимларни ўзлаштириш концепциясига асосан таълим олувчиларнинг таълим натижаларини баҳолашда принципиал ўзгаришларни назарда тутати. Асосий мақсад – бу маълумотлар ҳажмини ўзлаштириш эмас, балки уларга

ўзларининг мақсадларини аниқлаш, қарор қабул қилишда, одатий ва ностандарт ҳолларда ҳаракат қилиш имконини берадиган кўникмаларга ўргатишдир.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли қарорининг қабул қилиниши мазкур масалага давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилаётганидан далолат беради [1:15].

В.В.Нестеров, А.С.Белкинлар «Компетенция таълим жараёнида самарали фаолият учун зарурий шарт-шароит яратувчи касбий ваколат, функциялар, компетенциялик эса компетенцияни самарали амалга оширишни таъминловчи касбий ва шахсий сифатлар мажмуаси», - деб таърифлаган [2:186].

Бўлажак математика ўқитувчиларини тайёрлаш жа-

раёнида ахборот билан ишлаш компетенцияларини шакллантириш учун мультимедияли воситалардан кенг фойдаланмоқ мақсадга мувофиқдир. Мультимедияли дарсада таълим жараёнига компетенциявий ёндашув асосида таълимий мақсадларга эришиш кафолатланади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ҳар бир талаба умумкасбий ва ихтисослик туркум фанларига нисбатан ўзининг индивидуал ёндашувига эга. Индивидуал ўқитиш жараёни профессор-ўқитувчиларга талабаларнинг ўқув-билув фаолиятларини визуаллаштириш имконини беради. Жумладан, мультимедиа технологияларининг муҳим жиҳати шундаки, уларда турли даражадаги ахборотлар интеграллашган ҳолда ифодаланади. Анъанавий ўқитиш жараёнида бўлгани каби ноанъанавий таълим жараёнида матнлар, жадваллар, графиклар, иллюстрациялар билан бир каторда, талабаларни фаол ривожлантириш характериға эга бўлган нутқ воситалари, мусика, турли анимациялар ўз ифодасини топади. Шу ўринда муҳим аҳамиятга эга бўлган йўналишлардан яна бири мультимедиа воситаларида аудио ҳамда визуал ахборотларнинг параллел тарзда талабаларга тақдим этилишидир. Мазкур технология ёрдамида талабалар ахборот-коммуникацион технологиялар билан ўзаро мулоқатга киришишларининг янги даражаси намоён бўлади.

Бўлажак математика ўқитувчиларида компетенцияларни самарали шакллантиришда дидактик ўйинлардан кенг фойдаланиш лозим. Таълимга оид ўйинлар таълим беришнинг замонавий психолого-педагогик технологияларида муҳим ўрин эгаллайди. Усул сифатида улар XX асрнинг 70-йилларида кенг тарқалган. Ҳозирги вақтда қўлланилиши соҳасига мос равишда таълимий ўйинларнинг ҳар хил турлари мавжуд.

Дидактик ўйинларни дарсада қўллаш таълим-тарбия жараёнига ноанъанавий усулда ёндашувни ифодалаб, анъанавий дарслардан бир қатор сифатлари билан фарқланади. Яъни, ўқув жараёнини бевосита қизиқарли ўйинлар асосида ташкиллаштириш, талабаларнинг биргаликдаги ҳаракатини таъминлаш, масалага гуруҳ бўлиб ёндашиш натижасида талабаларнинг фаол ҳаракати ва мантиқий тафаккури ривожланишига шароит яратилади. Бўлажак математика ўқитувчиларининг математик нутқ бойлигини оширишда ҳам дидактик ўйинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Биз қуйида таълим жараёнида талабалар фаоллигини оширишга хизмат қиладиган ўйин турларини кўрсатиб ўтамиз: «Қисқа муддатли ёзма иш», «Эрудит», «Заковатли зукко» ва ҳақозо. Бу ўйинларни амалга ошириш учун шундай дидактик шароит яратиш керакки, ўйин машғулотларида қатнашувчилар мавжуд билимларини намоён этишга одатланган бўлишлари керак. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, дарс давомида фойдаланилаётган дидактик ўйин дарснинг мавзусига мос равишда танлаб олиниши муҳим аҳамиятга эгадир.

Талабаларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантиришда профессор-ўқитувчининг компетентлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сабаби талабалар ўз ўқитувчиларининг маърузаларини тинглаш билан илмий билимларни ўзлаштирадиган ҳамда айни пайтда нутқ маҳоратини ҳам ўрганадилар. Шундай қилиб, таълим берувчининг ўз касбига доир билимларни яхши билиши ва унинг ҳулқ-атвори талабалар учун намуна бўлиб хизмат қилади. Бу эса, пировард натижада бўлажак ўқитувчининг бутун фаолиятига таъсир этади.

Компетентлик тушунчаси нафақат аниқ билим ва

қўникмалар, балки аниқ стратегия, мос эмоция ва муносабат, шунингдек, бутун бир тизимни бошқариш механизми мавжуд эканлиги талаб этиладиган мураккаб амалий масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ. У ўз ичига нафақат когнитив ташкил этувчини, балки қадриятли йўналганликнинг мотивацион, етук, ижтимоий ва ахлоқий тизимларини ҳам олади [3:13].

Компетентлик тушунчаси бу символик образ бўлиб, бу тушунчани таърифлашга турлича ёндашувларни кўриш мумкин. Уларда бу тушунча малака, иқтидорлик, қобилиятлилик, билим, қўникма ва муносабатлар мажмуаси тарзида талкин қилинган. Бизнинг фикримизча, компетентликнинг қуйидаги асосий компонентларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ўз фаолияти ва таълим жараёни самарадорлигини таҳлил қилиш ва объектив баҳолашга хизмат қилувчи рефлексив қўникмалар;

- ўз фаолияти ва ўзаро муносабатлар жараёнидаги хатти-ҳаракатларнинг натижаларини ҳамда тарбиявий муносабатлар жараёнига тайёргарлигини ҳис этишни ифодаловчи олдиндан кўриш қўникмалари;

- таълим-тарбия жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган муаммоли вазиятларда талабалар фаоллигини таъминлаш ва фаолиятини мувофиқлаштириш қўникмаси;

- талабалар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиш ва ташкилотчилик услубларидан оқилона фойдаланиш қўникмаси;

- мулоқотга асон киришиш қўникмаси;

- коммуникатив компетентлик ҳисобланган, турли шароитларда инсонлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишга мос бўлган ўзаро таъсир кўрсатиш қўникмаси;

- ахборотлар тўплаш, таҳлил қилиш, объектив баҳолаш, қайта ишлаш ва ахборотлар алмашилиш қўникмаси;

- ўзини-ўзи бошқариш ва шахсий ривожлантириш қўникмаси.

Бўлажак математика ўқитувчилари умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўзлаштириш орқали қуйидаги компетенцияларга эга бўлиши лозим:

- фазовий тасаввур ва геометрик тафаккурға эга бўлиши;

- ахборотни тақдим этишда аниқлик билан тўғри хулоса чиқариш: уларни ўқиш, яратиш, қайта тузиш ва бу ҳаракатларни амалга ошириш;

- профессионал фаолият учун билимларнинг ҳажмини, чуқурлигини ва тизимлигини белгилаб, ишлаб чиқишда иштирок этиш лаёқатиға эга бўлиш;

- педагогик фаолиятда эътиборлилик, кузатувчанлик, зукколик, фаросатлилик, тафаккурнинг чуқурлиги, кенглиги, эгилувчанлиги, тезкорлиги;

- фикрларнинг мантиқийлиги, ойдинлиги, мустакиллиги, танқидийлиги, вазиятларни таҳлил қилиш, хулоса чиқариш ва юзага келган вазиятларнинг тўғри ечимини топа олиш қобилиятиға эга бўлиш.

Олий таълим муассасаларида таълим бераётган профессор-ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилаётган ва фойдаланилаётган ўқитиш технологиялари бўлажак ўқитувчи касбий компетентлигини шакллантириш таълим тизимининг таркибий қисми бўлиб, ўз касбини эгаллашнинг аҳамиятли бўлган дастлабки базасини яратишга, келажакда касбий фаолиятини юқори даражада амалга ошириш учун назарий, амалий ва мотивацияли тайёргарликнинг босқичма-босқич шаклланишиға ёрдам беради.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори. Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. – Тошкент: 2017. 15-б.
2. Нестеров В.В., Белкин А.С. Педагогическая компетентность. – Екатеринбург: Учебная книга, 2003. –С. 186.
3. Темуров С.В. Бўлажак математика ўқитувчиларида касбий компетентликни шакллантиришнинг назарий асослари. –Т.: Фан ва технология, 2014. 13-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бұлажақ математика үкитувчисини тайёрлаш жарағнига компетенциявий ёндашув усули кўриб чиқилган, унда компетентлик асосида такомиллаштириш, уларнинг компетентлигига қўйиладиган асосий талаблар ажратиб кўрсатилган, ҳозирги замон математика үкитувчисининг касбий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришда интерфаол усулларнинг истикболлари ҳақида фикрлар юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье представлен обзор процесса развития будущего учителя математики на основе компетентностного подхода, выделены основные требования к их компетенции, перспективы интерактивных методов в формировании и развитии профессиональной компетентности современного учителя математики.

SUMMARY

The article presents an overview of the development process of the future teacher of Mathematics based on the competence approach, the main requirements to their competence, the prospects of interactive methods in forming and developing the professional competence of the modern teacher of Mathematics.

**ҚАРАҚАЛПАҚ МИЛЛИЙ ОЯНЫҢ ӘДЕБИЯТЫНДА ТӘРБИЯ
ПРИНЦИПЛЕРИНИҢ СӘҮЛЕЛЕНИҢ**

А.Меңлибаева – ассистент оқытушы

Әжсинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: тарбия тизимлари, миллий ўйғониш даври, қарақалпоқ шоирлари, педагогик дунёқараш.

Ключевые слова: принципы воспитания, эпоха национального Возрождения, каракалпакские поэты, педагогическое мировоззрение.

Key words: principles of education, epoch of the national Rebirth, Karakalpak poets, pedagogical world view.

Педагогикада тәлим-тәрбия мәселеси оғада кең түсиник болып табылады. Сонлықтан, биз усы мақаламызда тәрбия принципери хәм оның қарақалпақ миллий ояныў дәуири әдебиятында қалай сәўлеленгенлигине дыққатымызды қаратамыз.

Қарақалпақ миллий ояныў дәуири әдебияты XIX әсир ақыры XX әсир басындағы жәмийетлик турмыс хәм тарийхый шараят пенен тығыз байланыслы болып, бул дәуирде көркем әдебият демократиялық бағдарда раўажланды. Еркінликке умтылыў, зулымлыққа қарсы гүрес хәр бир дәретиўшиниң шығармаларының тийкарғы идеясы болды. Миллий ояныў дәуириндеги қарақалпақ әдебиятының ўәкиллери Аннақул, Құлмурат, Қоразбек, Омар, Әбдикәдир, Сапиўра, Жанабай, Қазы Мәўлик, Аяпберген, Аббаз хәм т.б. шайырлардың дәретпелери халықтың мәдений турмысында алға илгерилеўшиликти пайда етти. Бул дәуирде қарақалпақлар қоңсылас түркий халықлары хәм Индия, Бағдат, Саудия Арабстаны, Түркия сыяқлы мәмлекетлер менен экономикалық, саўда-сатық, билимлендириў мәселеринде қатнас раўажландырғанлығы, Астрахань, Оренбург, Казань, Санкт-Петербург сыяқлы қалалар менен саўда-сатық хәм мәдений байланысларды күшейткенлиги ағартыўшылық хәм билимлендириўдин жаңа басқышқа көтерилюине алып келди. Миллий ояныў дәуири әдебияты ўәкиллери саўатлы шайырлар ғана емес, ал атаклы қыссаханлар хәм аўдармашылар да болып, олардың дәретиўшилигинде жәмийеттеги барлық ўақыялар: илим, билим, мәденият, халықтың азатлық жолындағы гүреслери, демократиялық көзқараслар өзиниң сәўлесин тапты. Сонлықтан, миллий ояныў дәуири қарақалпақ әдебиятында тәлим-тәрбиялық ой-пикирлер, педагогикалық көзқараслар кең орын алды. Бул мәселе, өз гезегинде, көпшилик педагог алымлардың дыққатын тартты хәм миллий ояныў дәуири қарақалпақ әдебиятындағы педагогикалық, ағартыўшылық пикирлер бойынша илимий жумыслар исленди [1, 2, 4].

Педагогика теориясынан бизге белгили, тәрбия принципери оқытушы тәрбияланыўшыларға жол жоба көрсетиўи тийис. Тәрбия принципери еркин характерге ийе болып тәрбияның өзине сай қәсийетлерин хәм нызамлылықларын сәўлелендиреди. Тәрбиялық процессте бул принциплерге әмел қылыў оның нәтийжелилигин асырады.

Миллий ояныў дәуири қарақалпақ әдебиятында тәрбия принципери дидактикалық, үгит-нәсиятлаўшылық бағдарында әмелге асқанлығын көрёмиз. Шайырлардың дидактикалық пикирлери жәмийетлик турмыс пенен тығыз байланыста раўажланады. Жәмийеттиң социаллық жақтан эззи қатламына дыққат

бөлиў, яғный ғәрип-қәсерлерге, жетим-жесирлерге қол созыў, олардың жағдайларын жақсылаў ушын гүресий идеясы бул дәуир әдебиятындағы тәрбияның тийкарғы идеяларының бири. Мысалы:

Ғәрип-қәсерлерди көзи көрмесе,
Журт ағасы болып жолдан жүрмесе,
Сүргизбесе, өзи дәўран сүрмесе,
Дыянетсиз дәўлет ол неге дәркар?
(Әбдикәдир)

Әбдикәдир шайыр қәлемине тийисли бул қатарларда жәмийеттеги теңсизликке қарсы турып, елди әдил басқарыў – адамгершиликтиң жоқары белгиси екенлиги сөз етиледі.

Миллий ояныў дәуири әдебияты шайырлары билим алыўды, өнер ийелеўди хәр бир инсанның жоқары мақсети деп есаплайды. Бунда ата-ана менен перзент ортасындағы қатнасықларға дыққат қаратады.

Алымлар қор болар халықты алдаса,
Султан халықтан айрылар нәзер салмаса,
Ақылсыз ул ата тилин алмаса,
Бир күнлери бара-бара зар болар.
(Әбдикәдир)

Шайыр ең жоқары адамгершилик пазыйлетин жақсылық пенен жаманлық түсиниклерин қолланыў арқалы жеткерип береді. Сол арқалы нәкас пейилли инсанларға түңилиў сезимлерин оятады, ал жақсы пазыйлетли инсанларға сүйиспеншилик пенен қараўға, жасларды оқыўға, билим ийелеўге шақырады хәм оқымыслы адамларды халыққа данышпанлық пенен жол көрсетип, елдин мәпин ойлайтуғынын айтады.

Дана болсаң надан менен таласа,
Әбдикәдир ақмақларды аласла,
Билгир, әдил жигит болсаң жол басла,
Билимлиниң етер иси сол болар.
(Әбдикәдир)

Миллий ояныў дәуири әдебиятында ағартыўшы шайырлар миллетти саўатландырыўға, билим ийелетийге баслы дыққат қаратты. Себеби, хәр қандай зулымлықтың езиўинен кутылыў, еркинликке ерисий билим арқалы әмелге асады, ақылы кәмил миллет ғана бийғәрез жасайды, келешеге айдын болады. Бундай пикирлер, өз гезегинде, тәрбияның мақсетке бағдарланғанлық принципи менен үнлеседе. Өйткени, тәрбияда гөзленген тийкарғы мақсет хәр тәрәппеме руўхый жақтан раўажланған ақыл хәм әдеп-иқрамлы инсанды қәлиплестириўден, яғный, жасларымызды ақыл, әдеп-иқрамлы, физикалық раўажланыўын хәр тәрәппеме жетилистириўден ибарат.

Тәрбияда инсаннылық хәм демократиялық принципи де миллий ояныў дәуири әдебияты ўәкиллериниң шығармаларында кең сәўлеленеди. Тәрбияны демокра-